

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАҚЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Хамдамов Рустам Рамазонович

А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти Молия-иқтисод ва
бухгалтерия бўлими бош мутахассис

rustamhamdamov95@gmail.com

tel: +998908693131

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18638392>

Бозор иқтисодиёти қарор топиб, ривожланиб бориш шартларидан энг муҳими фойда олиб ишлаш ҳисобланади. Шу маънода ҳар қандай иқтисодий ҳаракат натижаси албатта фойдалиликни, манфаатликни таъминлаш керак. Эркин бозор муносабатларига асосланган шароитда ишлаб чиқариш, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишдан энг асосий мақсад юқори натижавийликга эришиш ҳисобланади. Фаолият натижаси - бу фаолият асосида олинган даромадлар билан қилинган харажатлар фарқланишидаги қуйи ёки юқори ўзгаришни ифодалайди. Қуйи чегара зарар, юқори чегара эса фойдага эришилганини билдиради. Яъни фаолият натижаси, олинган даромадлардан қилинган харажатларни мутлоқ фарқлаш асосида аниқланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги йўриқномасида корхона ҳисоб фойдаси (зарари)га қуйидагича таъриф берилади: «Баланс фойда (зарари), ўзида корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий воситалар, бошқа мулкни сотишдан олинган фойдаси (зарари)дан ва амалга оширилмаган операцияларда ташқари олинган, шу операциялар бўйича қилинган харажатлар суммасига камайган даромадларни ифодалайди» дейилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонунининг 13-моддасига шарҳда ҳам, «фойда (зарар)» ва унга дахлдор бўлган элементлар, бирликларнинг таснифи берилган. Фойда (зарар)га дахлдор элементлар сифатида даромадлар ва харажатлар қаралади.

Даромадлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активлар оқими ёки қўпайиши ўсиши ёки пасивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ килувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир. Даромадни бу жиҳат таърифлашни халқаро ҳисоб стандартларига андоза сифатида берилган дейиш мумкин. Бу ўсиш нақд пул тушумлари ёки уларни тан олиш маъносида қаралади.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир. Бунда активларнинг камайиши сифатида, товарлар (иш, хизмат)ларни сотилган қаторга киритиш туфайли камайиши ва у билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоб мажбуриятларининг ортиши назарда тутилади.

Юқоридагиларни умумлаштириш асосида қуйидагиларни белгилашимиз мумкин.

Фойда – бу даромад ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир.

Зарар – бу даромад ва харажатлар фарқланишидаги қуйи ўзгарувчанликдир.

Ўйлаймизки бу жиҳат таърифлашлар унинг ҳисоб аниқловидаги мазмунига тўла мос тушади.

Юқоридагиларнинг боғланиш қатори сифатида, корхоналарнинг фаолият натижавийлигига таъсир этувчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1 – Даромад кўрсаткичлари;

- Сотишдан олинган даромад
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар

2 – Харажат кўрсаткичлари;

- Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари
- Давр харажатлари
- Молиявий фаолият бўйича харажатлар
- Кутилмаган харажатлар

3 – Натижа кўрсаткичлари;

- Сотишдан олинган фойда (зарар)
- Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)
- Молиявий фаолиятдан фойда (зарар)
- Фавқулодда фойда (зарар)
- Солиқ тўловига тортиладиган фойда
- Соф фойда (зарар)

4 – Рентабеллик кўрсаткичлари;

- Барча активлар рентабеллиги
- Хусусий капитал рентабеллиги
- Сотилган маҳсулот рентабеллиги
- Умумий рентабеллик

Бозор иқтисодиёти соҳасида фойда кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг энг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Молиявий натижалар – бу корхона фаолиятининг барча жабҳалари бўйича маълумот берувчи ва шу фаолиятдан моддий манфаатдорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Молиявий натижалар мезони эса фойда олишдир. Бизга маълумки, корхона ишининг молиявий натижалари ва самарадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг асосий манбаи «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» деб номланадиган 2-шаклида, бухгалтерия балансида эса «Ўз маблағлари манбаи» деган пасивнинг биринчи бўлимида тақсимланмаган фойда кўрсатилади. «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, ҳамда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли 3-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августида 475 – сон билан рўйхатга олинган) 6-бандига мувофиқ қуйидаги кўрсаткичлар билан фарқланади.

Маҳсулотни сотишдан ялпи фойда - корхонанинг маҳсулотни сотишдан олган даромадини тавсифлайди ва маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ва сотилган маҳсулот таннари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Халқаро ҳисобда маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинладиган тушумни белгилашнинг икки усули мавжуд:

Касса усули — бунда сотувдан олинган тушум, юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушишига қараб эътироф этиб борилади.

Юклаб жўнатиш усули — бунда маҳсулот харидорларга жўнатилиб, уларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари (счёт фактура, транспорт юк хатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар) топширилишига қараб бу маҳсулот сотилган ҳисобланади.

Касса усули қўлланилганда маҳсулотни топшириш ва унинг ҳақини тўлашга доир хўжалик операциялари бажарилгандан кейингина маҳсулот сотиш ишлари тугатилган ҳисобланади. Агар маҳсулот жўнатилиб, унинг пули харидорлардан келиб тушмаган бўлса, сотиш иши якунланган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Юклаб жўнатиш усули қўлланилганда маҳсулот ва товар жўнатилиб, ишлар ва хизматлар бажарилганидан кейин, уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилган бўлса, ана шундай маҳсулот (ишлар, хизмат)лар ва товарлар сотилган ҳисобланади.

- Асосий фаолиятидан қўрилган фойда – корхонанинг асосий фаолиятидан – маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишдан олган фойдасини тавсифлайди. Бу фойдани аниқлаш учун ялпи фойдадан давр харажатлари ва бошқа харажатлар чегирилади.

- Умумхўжалик жараёнидан олинган фойда – асосий фаолият плюс (минус) молиявий фаолият натижаларини тавсифловчи молиявий натижа.

- Солиқларни тўлашдан олдинги фойда – фавқулотда фойда ва зарарларни ҳисобга олиб аниқланади. Фавқулотда фойда ва зарарлар – корхона асосий фаолияти доирасига кирмайдиган ҳодисалар натижасида юзага келган ва кутилмаган даромад ва харажатлардир.

- Соф фойда – солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфига қоладиган фойда суммаси бўлиб ҳисобланади. Ҳориж ҳисоб амалиётига эътибор берадиган бўлсак, уларда молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича қуйидаги учта туркуми берилади. Яъни,

- Асосий фаолиятдан фойда (зарар),
- Молиявий фаолиятдан фойда (зарар),
- Фавқулотда фойда (зарар).

Корхона хўжалик молия фаолиятининг якуний кўрсаткичи сифатида қаралувчи ҳисоб фойдаси (зарар) ёки солиқ тўловига қадар бўлган молиявий натижа, ҳисобот даври бўйича энг охириги натижани ифодалаган ҳолда, солиқ тўловига тортиладиган умумий натижани билдиради. Унинг таркибига барча жараёнлардан олинган реал натижалар суммаси киритилади. Солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа фойдадан солиқли тўловлар суммасини чегириш асосида, корхонанинг ҳисобот даври бўйича соф фойда (зарар)ига чиқилади.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режасига мувофиқ субъектнинг хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштириш учун яъни, фойда ва зарарлар ҳақида маълумотларни акс эттириш мақсадида 9900 – «якуний молиявий натижа» счёти қўлланилади.

Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда ҳолатлардан олинган ҳамда ушбу фаолият турлари бўйича килинган сарфлар суммасига камайтирилган даромадларнинг колдик суммасидан ташкил топади. 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётининг дебети бўйича зарарлар (сарфлар), кредити бўйича эса хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси (даромади) акс эттирилади ва ҳисобот давридаги дебет ва кредит обороти суммаларининг фарқи

якуний молиявий натижани кўрсатади. 456 Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётидан 8710 – «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счётининг дебетига кўрилган зарар ёки кредитига олинган соф фойда ўтказилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, молиявий натижалар ҳисоби ва унинг таҳлилини юритишнинг моҳияти корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, унинг келгусидаги истиқболларини режалаштириш каби тегишли хулосаларга келиш, ҳамда зарурий қарорлар қабул қилиш, муҳим чора тадбирларни ишлаб чиқиб уни корхонанинг келгусидаги фаолиятига тадбиқ этиш имкониятларини яратишидадир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 1996 йил 30 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” 1998-2010 йиллар.
3. А. Каримов ва бошқалар. «Бухгалтерия ҳисоби». Т.: «Шарқ» НМАК, 2004 йил.
4. А.Г.Ибрагимов, З.Р.Мадаминава, М.Э.Рахматалиев. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. “Баркамол фэйз медиа” нашириёти-2016.
5. О. Бобожонов «Молиявий ҳисоб».- Т.: «Шарқ», 2002 йил.
6. А. Абдуллаев «Молиявий ҳисоб».- Т.: «Фан ва технология», 2005 йил.
7. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари Дарслик, Т.: “Молия”-2010.
8. “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида” низом, Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон Қарори билан.
9. 2012 йил 22 октябрда қабул қилган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.